

Устозлик мартабаси

Ш.Ҳамроев

Худойзод Қарши шаҳрининг обод, серфайз, намунали маҳалалларидан бири ҳисобланади. Шаҳар, вилоят, қолаверса, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар қўплаб топилади. Шундай инсонлардан бири Абдуҳомид Раҳмоновдир.

А.Раҳмонов 1959 йили 1 январ куни таваллуд топган. Унинг ота-онаси – Розикул ака ва Гулистон опа деҳқончилик билан шуғулланганлар. Халқ орасида меҳнаткаш, камтарин, ҳокисор инсонлар сифатида танилганлар. Уларнинг ўн нафар фарзанди бўлиб, Абдуҳомид ака шу хонадоннинг тўнғичи.

У 1966 йилда Қарши туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабига ўқишга борди. Эл орасида машҳур Ғулом Ҳалимов домладан хат-савод ўрганди.

Бу мактабда ўз ишининг фидойи, билимдонлари Тамара Ёркулова, Ҳабиб Раҳматуллаев, Тўрақулов Жўраев, Тўла Жўраев, Алексей Михайлович Синёв, Райим Раҳмонов, Ислон Турсунов каби устозлар фаолият кўрсатганлар.

А.Раҳмоновда педагоглик касбига ҳавас ўша даврдан бошланган десак, адашмаймиз. У мактабда аъло баҳоларга ўқиб, синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок қилган.

Ўзининг тиришқоқлиги, жонкуяр ва ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб турган. Унинг педагоглик касбини танлашига устози Ғулом Ҳалимовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. «Абдуҳомиджон сиздан яхши бошланғич синф ўқитувчиси чиқади, шу касбни танланг. Қарши Давлат педагогика институтида шу йўналиш бор қўлимдан етаклаб институтга ҳужжат топширтирган эдилар»-, деб эслайди А.Раҳмонов.

Рустам Қодиров, Ўктам Жўраев, Шоҳида Ҳалимова, Турсуной Рашидова, Пирмат Шерматов, Равшан Жўраев, Меҳмон Ёркулова каби

синфдошлари республикамиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. «Синфдошларим билан ҳозирги кунда йиғилиб, дийдорлашиб турамиз. Ҳаётда бўладиган яхши – ёмон кунларда ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлаб турамиз. Мен шундай инсонлар билан бирга ўқиганимдан жуда хурсандман»-дейди, устоз.

А.Раҳмовнинг маҳоратли педагог бўлиб етишишида Қарши Давлат педагогика институти (ҳозирги Қарши ДУ) Педагогика ва бошланғич таълим методикаси факультети профессор-ўқитувчиларининг ҳиссаси катта. Педагогика фанлари доктори, профессор Малла Очилов, доцентлар Талъат Ғаффорова, Мейли Орипов, Тоғай Ўринов, Ҳамдам Ҳамроев, Тўра Қудратов, Қурбон Сулаймонов, Амир Ҳазратқулов, Қўйли Хуррамов, Дилором Ҳамроеваларнинг бошланғич таълим назарияси, тарихи ва методикасига доир берган сабоқларини, ўқиган маъруза ва ўтказган амалий машғулотлари А.Раҳмоновнинг педагогик фаолиятида пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Мен домла билан саккиз йилдан бери фаолият кўрсатиб келаман. Шу даврда кўплаб кўрсдошлари институтимизда келиб, малакаларни ошириб қайтдилар. Курсдошларидан Зокир Отаниёзов, Дилором Бекмуродова, Абдурашид Худойбердиев, Эшқобил Холиқов, Насриддин Назаров, Акбар Хўжаназаров кабилар билан борди-келди қилиб туришлари, фан янгиликларидан бир-бирларини хабардор қилиб, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, мультимедиа дарслари ҳақидаги янгиликлар билан ўртоқлашишларига гувоҳ бўлганман.

У 1998 йилда институтни аъло баҳоларга тугатган, Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабига бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишга келган. Олий таълим муассасасида олган билимлари амалиётда асқотган, пойдор вазиаси ўтаган. Мактабга янги келган вақтида Норсулов Шомуродова, Дўстмурод Қўчқоров, Муҳаббат Ҳамидова, Темир Қурбонов, Бодом Жаборровалар яқиндан ёрдам берганлар. 1997 йилга қадар бошланғич синф ўқитувчиси, методбирлашма раҳбари, директор ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. Тажрибали ва маҳоратли муаллим бўлиб

шаклланган. Ундаги ташкилотчилик, ташаббускорлик, меҳнаткашлик ва фидойиликни билган Қарши шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти А.Раҳмоновни 1997 йилда Қарши шаҳар 35-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига лойиқ кўрдилар. У мактабнинг ўқув-моддий техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишга асосий эътиборини қаратди. Мактабни газлаштириш ишлари амалга оширилди. Ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда иштироки сезиларли ўсди. Мактаб ўқувчилар жамоаси иқтисод фани бўйича ўтказилган кўрик-танловда шаҳар, вилоят ва кейин эса, республика босқичларида ғолибликни қўлга киритди. Ўқитувчилар билан фольклор, ўқувчилар билан эса, доирачилар ансамбли тузилди. Танловларда шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиблик қўлга киритилди. Спорт, санъат ва фан тўғрақларининг фаолияти жонланди. Бунда ҳомийлар ва халқ таълими раҳбариятининг мактаб жамоасини моддий-маънавий рағбатлантириб турганлиги диққатга сазовор. Таълим муассасининг обрў-эътибори, рейтинг даражаси ошди. 8-сонли мактаб Қарши шаҳридаги энг намунали таълим муассасаларидан бирига айланди. Бу муваффақиятларда Абдуҳомид Раҳмоновнинг ҳиссаси катта, албатта.

А.Раҳмонов 2001-2004 йилларда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кўмитасида етакчи мутахассис бўлиб фаолият кўрсатди. Бу даргоҳда фан, таълим ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғломлаштириш, кам таъминланган оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатиш, спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда фаол қатнашган педагогларни моддий-маънавий рағбатлантириш ишларига бош-қош бўлди. Шаҳар педагоглари орасида обрў- эътибор қозонди.

Устоз 2004 йилда яна жонажон таълим муассасаси –Қарши шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабига ишга қайтди. Бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш билан бирга, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ҳам фаолият кўрсатди. Бошланғич синфларда ўқитган ўқувчиларидан Сардор Раҳимов, Акмал Тоғаев, Ҳамза

Эрназаров, Шерзод Мухитдинов, Нилуфар Турсунова, Аброр Ашуров, Азамат Рашидов, Фахриддин Шерматов кабиларнинг юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги устозни қувонтиради. Устоз меҳнатининг натижаси, самараси шогирлар парвозида кўринади. Уларнинг бахту-камоли устозни қувонтиради.

А.Раҳмоновдаги замон билан ҳамнафас яшаш, илғор иш тажриба, бошланғич таълим соҳасига фидойилик, юксак ахлоқий фазилатлилик каби хусусиятларини инобатга олган Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти раҳбарияти ишга таклиф қилди. Институтда Жонмурот Жиловов, Гелдиёр Назаров, Шухрат Ҳамроев, Суяр Тошев, Хосият Тўлакова, Зиёда Юлдошевлар андрагоглик сир-синаотлари, малака ошириш тизимининг ўзига хос хусусиятлари, маъруза ва амалий машғулотлар ўтиш шакл-усуллари, йўллари ҳақида йўл-йўриқ ва тавсиялар бердилар, маслаҳатларини аямадилар. Манна саккиз йилдан бўён устози институтнинг «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси»да фаолият кўрсатмоқда. Тингловчиларга бошланғич таълим йўналишидаги «Фаннинг назарияси ва уни ўқитиш методикаси», «Фанни ўқитишда замонавий педагогик технологиялар» ҳамда «Танлов мавзулари» модулларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтиб келмоқда. У дарслар жараёнида замонавий педагогик технологиялар, интерфаол дарс шакллари, дидактик ўйинлар ҳамда мультимедиа дарслардан ўринли ва унумли фойдаланиб келмоқда. «Абдуҳомид Розикүловичнинг маърузалари, амалий машғулотлари қизиқарли бўлиб, бунга асосий сабаб фан янгликларидан замонавий таълим шаклларидан унумли фойдаланишида. Унинг камтарлиги, ўз устида тинимсиз ишлаши, инсоний фазилатлари ҳақида қанча гапирсак кам. Шу сабабли институтимизда ҳамма уни ҳурмат қилади, эъзозлайди»-дейди ҳамкасби Гелдиёр Назаров.

Абдуҳомид Раҳмонов устозлик мартабасига эришган педагоглардан. Раъно Очилова, Санобар Расулова, Зилола Кароматова, Муҳиба Қўшшаева,

Нодира Мўминова, Хадича Бекназарова, Дилобар Бахритдинова, Дилноз Азизова, Муслима Зарипова, Моҳидил Сафарова каби муаллимлар А.Раҳмоновни ўзларига устоз деб биладилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қўйидаги тўртлиги А.Раҳмонов каби устозларга аталган десак адашмаймиз.

Шоирга дедилар:

-Сиз бахтли инсон,

Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.

Шоир жавоб қилди:

-Менда бир армон:

Муаллим десалар, мени қанийди!